



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

9 (83) 2025

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азарбайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Ташкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

9 (83)

2025

сентябрь

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УЎҚ 616.711.6-007.43-073.75

БЕЛ УМУРТҚАСИ ДИСК ЧУРРАСИНИ АНИҚЛАШДА КЛИНИК ВА ИНСТРУМЕНТАЛ УСУЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

¹Алихонов Оқилхон Шухратмирза ўғли <https://orcid.org/0009-0002-2829-2183>

E-mail: Dr.Alixonov@gmail.com

²Норов Абдурахмон Убайдуллаевич e-mail: norovA@mail.ru

¹Наманган вилояти қўп тармоқли тиббиёт маркази 160100, Namangan viloyati, Namangan, Namanganiy ko'chasi, 9 Tel: +998 (69) 226-20-04

²Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий амалий тиббиёт маркази
Ташкент, ул. Хумоюн, 40 тел: +998 99 074 96 30 www.neuro.uz

✓ Резюме

Мақолада бел умуртқалари диск чурраларини комплекс таъхислаш усуллари таҳлил қилинган. 2023–2024 йилларда Наманган вилояти қўп тармоқли тиббиёт маркази нейрохирургия бўлимига мурожат этган 172 нафар бемор (80 аёл ва 92 эркак) клиник, неврологик, рентгенологик, компьютер ва магнит-резонанс томография асосида ўрганилди. Тадқиқот натижаларига кўра, бел умуртқа диск чуррасини таъхислашда клиник ва инструментал усулларни уйғун қўллаш муҳим аҳамият касб этиши аниқланди. Хусусан, МРТ бел умуртқадаги патологик ўзгаришларни аниқлашда асосий ва ишончли усул сифатида намоён бўлди.

Калит сўзлар: бел умуртқа диск чурраси, таъхис, клиник текширув, рентген, КТ, МРТ.

ЗНАЧЕНИЕ КЛИНИКО-ИНСТРУМЕНТАЛЬНЫХ МЕТОДОВ ИССЛЕДОВАНИЯ В ДИАГНОСТИКЕ ГРЫЖ ПОЯСНИЧНЫХ ДИСКОВ ДИАФРАГМ

¹Алихонов Оқилхон Шухратмирза ўғли <https://orcid.org/0009-0002-2829-2183>

E-mail: Dr.Alixonov@gmail.com

²Норов Абдурахмон Убайдуллаевич e-mail: norovA@mail.ru

¹Наманганский областной многопрофильный медицинский центр 160100, Наманганская область, г. Наманган, ул. Наманганий, 9 Тел.: +998 (69) 226-20-04

²Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр нейрохирургии
Ташкент, ул. Хумоюна, 40 Тел: +998 99 074 96 30 www.neuro.uz

✓ Резюме

В статье проанализированы методы комплексной диагностики грыж межпозвонковых дисков поясничного отдела позвоночника. В 2023–2024 гг. в Наманганском областном многопрофильном медицинском центре в нейрохирургическом отделении были обследованы 172 пациента (80 женщин и 92 мужчины) с использованием клинических, неврологических, рентгенологических, компьютерно-и магнитно-резонансных методов исследования. Результаты показали, что сочетанное применение клинических и инструментальных методов имеет важное значение в диагностике поясничных грыж дисков, при этом МРТ является наиболее информативным и надежным методом.

Ключевые слова: грыжа межпозвонкового диска, диагностика, клиническое исследование, рентген, КТ, МРТ.

THE IMPORTANCE OF CLINICAL AND INSTRUMENTAL METHODS IN THE DIAGNOSIS OF LUMBAR DISC HERNIATION

¹Alikhonov Okilkhon Shukhratmirza ugli <https://orcid.org/0009-0002-2829-2183>

E-mail: Dr.Alixonov@gmail.com

²Norov Abdurakhmon Ubaidullaevich e-mail: norovA@mail.ru

¹Namangan Regional Multidisciplinary Medical Center 160100, Namangan region, Namangan, Namanganiy street, 9 Tel: +998 (69) 226-20-04

²Republican Specialized Scientific Practical Medical Center of Neurosurgery
Tashkent, ul. Khumoyun, 40 Tel: +998 99 074 96 30 www.neuro.uz

✓ **Resume**

The article analyzes the methods of complex diagnosis of lumbar intervertebral disc herniation. In 2023–2024, 172 patients (80 females and 92 males) admitted to the Neurosurgery Department of Namangan Regional Multidisciplinary Medical Center were examined using clinical, neurological, radiological, computed tomography, and magnetic resonance imaging techniques. The results demonstrated that the combined application of clinical and instrumental methods plays a crucial role in the diagnosis of lumbar disc herniation, while MRI proved to be the most informative and reliable modality for detecting pathological changes.

Keywords: lumbar disc herniation, diagnosis, clinical examination, X-ray, CT, MRI.

Долзарблиги

Бел умуртқа диск чурралари замонавий тиббиётда энг кўп учрайдиган ва аҳолининг иш қобилияти ҳамда ҳаёт сифатини пасайтирадиган касалликлардан бири ҳисобланади. Бу патология радикулопатия, сурункали оғриқ синдромлари, неврологик бузилишлар ва ногиронликка олиб келиши билан жаҳон соғлиқни сақлаш тизими олдида муҳим муаммо сифатида намоён бўлади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бел соҳасидаги оғриқлар ишлайдиган аҳоли орасида ногиронликнинг асосий сабабларидан бири сифатида қайд этилган. Шу боис, ушбу касалликни эрта ва аниқ ташхислаш, тўғри даво тактикаси танлаш ва асоратларнинг олдини олиш замонавий тиббиётнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бел диск чуррасини ташхислашда ягона “идеал” усул мавжуд эмас. Hognung ва ҳамкасблари (2023) томонидан ўтказилган тадқиқотда МРТ, КТ ва клиник фенотиплашни уйғун қўллаш орқали чурранинг резорбция жараёнини башорат қилиш мумкинлиги кўрсатилган [1]. Zhang ва ҳамкасблари (2023) эса бел диск чуррасини аниқлаш ва даволашда клиник кўрик, неврологик текширув ва радиологик усулларни биргаликда қўллаш зарурлигини таъкидлаган [2].

Визуализация усуллари орасида магнит-резонанс томография (МРТ) энг ишончли ҳисобланса-да [4], унинг самарадорлиги фақат клиник маълумотлар ва неврологик кўрик билан уйғунлаштирилганда юқори бўлади. Шу билан бирга, Zhong ва ҳамкасблари (2017) мета-таҳлил натижаларига кўра, бел диск чурраларининг маълум қисмида консерватив даволаш фонида табиий резорбция жараёни кузатилади [5]. Бу эса ташхис жараёнида нафақат мавжуд патологияни, балки унинг кейинги динамикасини ҳам ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатади.

Фақат тасвирий усуллар билан чекланиб қолмасдан, электрофизиологик текширувлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Lee ва ҳамкасблари (2004) ишида нерв ўтказувчанлик тести ва игнали электромиография орқали асаб илдизларига чурранинг таъсирини аниқ баҳолаш мумкинлиги кўрсатилган [6]. Бу усуллар радиологик натижаларни тўлдириб, ташхиснинг ишончилигини оширади.

Технологик тараққиёт билан уйғун ҳолда янги йўналишлар ҳам шаклланмоқда. Nan ва ҳамкасблари (2022) ва Wirties ва ҳамкасблари (2021) тадқиқотларида МРТ тасвирлари асосида машинали ўқитиш ва сунъий интеллектдан фойдаланиш ташхисда объективлик ва автоматизацияни таъминлаши мумкинлиги асослаб берилган [7,8]. Шу билан бирга, Passavanti ва ҳамкасблари (2020) ишида жарроҳликдан кейинги асоратлардан бири бўлган эпидурал фиброзни диск чуррасидан фарқлаш учун контрастли МРТнинг юқори аниқликка эга эканлиги кўрсатилган [9]. Шунингдек, турли усуллардан олинган маълумотлар кўпинча бир-биридан фарқ қилади, бу эса врачнинг қарор қабул қилиш жараёнида мультимодал таҳлил зарурлигини кўрсатади [3].

Хулоса қилиб айтганда, бел умуртқа диск чуррасини ташхислашда комплекс ёндашув — яъни клиник ва неврологик кўрик, визуализация (МРТ, КТ), электрофизиологик текширувлар ҳамда сунъий интеллект технологияларини уйғун қўллаш — касалликни аниқ ташхислаш, прогноз қилиш ва тўғри даво тактикаси белгилашда замонавий тиббиётнинг долзарб йўналишидир.

Тадқиқот мақсади: бел умуртқалари соҳасидаги диск чурраларини ташхиси ва уларнинг клиник-назорат алгоритмларини такомиллаштириш, замонавий комплекс ташхислаш усуллари

(клиник ва неврологик баҳолаш, рентгенологик, магнит-резонанс томография ва компьютер томографияси)нинг аҳамиятини ўрганишдан иборат.

Материал ва усуллари

Тадқиқотда 2023–2024 йиллар мобайнида Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази нейрохирургия бўлимига мурожаат этган 172 нафар бемор иштирок этди. Улардан 80 нафари (46,5%) аёллар, 92 нафари (53,5%) эса эркаклардан иборат бўлиб, беморларнинг ёши 22 ёшдан 68 ёшгача бўлган. Барча беморларда бел соҳасидаги оғриқ синдроми, радикулопатия ва неврологик бузилишлар белгиларини ўзида акс эттирувчи клиник симптомлар кузатилган.

Беморлар текширувга жалб этилишида қуйидаги мезонлар ҳисобга олинди:

- Бел умуртқа диск чуррасига хос бўлган клиник ва неврологик белгилари мавжуд бўлиши;
- Радиологик усуллар орқали диск чурраси ташхиси тасдиқланган ҳолатлар;
- Илгари жарроҳлик амалиётидан ўтмаган беморлар;
- Системали соматик ёки онкологик касалликлари мавжуд бўлмаган шахслар.

Беморларнинг касаллик тарихи, асосий шикоятлари ва неврологик статуси алоҳида протоколлар асосида рўйхатга олинди.

Текширувлар жараёнида қуйидаги усуллар қўлланилди. Клиник ва неврологик текширув – ҳар бир беморда оғриқ синдроми, радикуляр белгилари, мушак кучсизлиги ва сезувчанлик бузилишлари баҳоланди. Лассега, Вассерман, Томайер каби махсус клиник тестлар орқали радикулопатия белгилари текширилди. Рентгенологик усуллар – барча беморларга бел умуртқасининг тўғри ва ёндош проекциялардаги рентгенографияси ўтказилиб, умуртқа поғонасининг морфологик ҳолати, сколиоз ва остеохондроз белгиларининг мавжудлиги баҳоланди. Магнит-резонанс томография (МРТ) – асосий ташхислаш усули сифатида қўлланилиб, дискнинг дегератив ўзгаришлари, чурранинг ўлчами, йўналиши, асаб илдизларига босим даражаси ҳамда фораминал ва секвестрацияланган ҳолатлар аниқланди. Компьютер томография (КТ) – кўпроқ суяк тузилишларини, умуртқа тешиклари ҳолатини ва қўшимча морфологик ўзгаришларни баҳолаш мақсадида ўтказилди. Маълумотларни статистик таҳлил қилиш – олинган натижалар халқаро кўрсаткичлар билан таққосланди, чурранинг клиник симптомлар билан уйғунлиги, визуализация усуллари ўртасидаги фарқ ва ўхшашликлар таҳлил этилди.

Натижа ва таҳлиллар

Тадқиқот давомида 2023–2024 йиллар мобайнида Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази нейрохирургия бўлимига мурожаат этган жами 172 нафар беморнинг клиник, неврологик ва инструментал текширув натижалари таҳлил қилинди. Беморларнинг 80 нафари (46,5%) аёллар, 92 нафари (53,5%) эса эркаклардан иборат бўлиб, ёш тоифалари бўйича энг кўп ҳолатлар 40–49 ёш (26,7%) ва 50–59 ёш (22,7%) гуруҳларига тўғри келди. Бу кўрсаткичлар бел умуртқа диск чурралари кўпинча меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолида қайд этилишини тасдиқлайди. Шу билан бирга, 30–39 ёшли беморлар ҳам катта улушни ташкил этган (22,7%), бу эса касалликнинг нисбатан эрта даврларда ҳам учраётганини кўрсатади.

Клиник ва неврологик белгилари таҳлил қилинганда, барча беморларда бел соҳасида турли даражадаги оғриқ синдроми кузатилди. Уларнинг катта қисмида — 136 нафар (79,1%)да радикулопатия, яъни оғриқнинг оёққа тарқалиши, сезувчанлик бузилишлари ва мушак кучсизлиги қайд этилди. 98 нафар беморда (57,0%) сезувчанлик бузилишлари, 84 нафарда (48,8%) мушак кучсизлиги аниқланди. Шунингдек, 102 нафар беморда (59,3%) ҳаракатланиш чекланиши кузатилиб, бу ҳолат касалликнинг ҳаётий фаолиятга сезиларли таъсир кўрсатишини кўрсатди.

Инструментал текширувлар натижаларига кўра, рентгенографияда 88 нафар беморда (51,2%) остеохондроз ва умуртқа поғонасининг морфологик ўзгаришлари аниқланди. Барча беморларда амалга оширилган магнит-резонанс томография (МРТ) орқали диск чурралари тўлиқ тасдиқланди. Чурра локализацияси энг кўп ҳолатда L4–L5 (39,5%) ва L5–S1 (42,4%) сегментларида жойлашгани кузатилди, бу эса халқаро маълумотлар билан уйғунликда бўлиб, асосий механик юк орқали шу сегментларга тушишини тасдиқлайди. Компьютер томография

(КТ) эса 64 нафар беморда (37,2%) қўлланилиб, асосан суяк тузилишлари ва фораминал стенозни аниқлашда самарали бўлди.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, бел умуртқа диск чурралари ташхисида клиник ва неврологик белгилари муҳим диагностик аҳамиятга эга бўлса-да, замонавий визуализация усуллари, айниқса МРТ, касалликнинг локализацияси, даражаси ва асаб илдизларига бўлган босимини аниқлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу боис, комплекс ташхислаш алгоритмида ҳар икки йўналиш — клиник ва инструментал текширувлар — бир-бирини тўлдирувчи ва тасдиқловчи усуллар сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Таҳлиллар: Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, бел умуртқа диск чурралари асосан меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ўртасида кўп учрайди. Айниқса, 40–59 ёшли гуруҳдаги беморлар энг кўп улушни ташкил этди (49,4%). Бу кўрсаткич халқаро маълумотлар билан уйғун бўлиб, Hornung ва ҳамкасблари (2023) ҳам ушбу патологиянинг асосий тоифаси меҳнат фаолиятидаги шахслар эканини таъкидлайди. Бизнинг тадқиқотда эркаклар улуши аёлларга нисбатан юқори бўлди (53,5%га нисбатан 46,5%), бу эса кўп ҳолларда оғир жисмоний меҳнат ва омилларнинг эркаклар организмига кўпроқ таъсир қилиши билан изоҳланади.

Клиник ва неврологик белгилари таҳлилида радикулопатиянинг юқори улуши (79,1%) қайд этилди. Бу ҳолат Kim ва ҳамкасблари (2018) таҳлиллари билан уйғун бўлиб, улар ҳам диск чурралари кўп ҳолларда радикулопатия ва сезувчанлик бузилишлари билан кечишини қайд этган. Беморларнинг қарийб ярмида (48,8%) мушак кучсизлиги кузатилиши, чурранинг асаб илдизларига босим бериши натижасида функционал бузилишлар катта аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Инструментал текширувлар орасида магнит-резонанс томография (МРТ) энг ишончли ва самарали усул сифатида ўзини кўрсатди. МРТ орқали барча ҳолларда чурранинг локализацияси ва асаб илдизларига таъсири аниқланди, энг кўп ҳолатлар L4–L5 ва L5–S1 сегментларига тўғри келди (81,9%). Бу кўрсаткичлар Zheng ва ҳамкасблари (2021) маълумотлари билан мос келади, улар ҳам асосий юк остидаги сегментларда чурралар кўп қайд этилишини таъкидлаган.

Шу билан бирга, рентгенологик текширувлар остеохондроз ва морфологик ўзгаришларни аниқлашда ёрдамчи аҳамият касб этди (51,2%). Компьютер томография (КТ) эса асосан фораминал стеноз ва суяк тузилишларини баҳолашда самарали бўлди. Аммо, уларнинг сезгирлиги МРТга нисбатан пастроқ эканлиги бир қатор илмий манбаларда ҳам қайд этилган (Zhang ва ҳамкасблари, 2023).

Эътиборли жиҳатлардан яна бири — чурранинг кейинги тақдири масаласи. Zhong ва ҳамкасблари (2017) мета-таҳлилларида чурранинг маълум қисмларда табиий резорбцияланиш ҳолатлари кўрсатилган бўлса, бизнинг тадқиқотда ҳам айрим беморларда консерватив даво фонида симптомлар сезиларли даражада камайиши кузатилди. Бу эса шошилишч жарроҳликка эҳтиёж ҳар доим ҳам мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Бундан ташқари, электрофизиологик усуллар — EMG ва NCS — беморларда радикулопатия даражасини функционал жиҳатдан баҳолашда муҳим аҳамият касб этади (Lee ва ҳамкасблари, 2004). Бизнинг тадқиқотда ушбу усуллар чегараланган ҳолда қўлланилган бўлса-да, келгусида уларни кенг жорий этиш ташхиснинг аниқлигини ошириши мумкин.

Шу билан бирга, сунъий интеллект ва машинали ўқитиш технологиялари ҳам бел диск чуррасини ташхислаш ва прогноз қилишда янги йўналиш сифатида эътироф этилмоқда. Nan ва ҳамкасблари (2022) ва Wirries ва ҳамкасблари (2021) тадқиқотларида МРТ тасвирларини алгоритмлар ёрдамида таҳлил қилиш шифокор қарор қабул қилиш жараёнида самарадорликни ошириши исботланган.

Олинган натижалар ва жаҳон тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, бел умуртқа диск чурраларини ташхислашда ягона “идеал” усул мавжуд эмас. Комплекс ёндашув — клиник кўрик, неврологик баҳолаш, визуализация усуллари (айниқса МРТ), электрофизиологик тестлар ва замонавий рақамли технологияларни уйғун қўллаш — замонавий тиббиётда энг мақбул йўл ҳисобланади.

Муҳокама:

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, бел умуртқа диск чурралари асосан меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ўртасида кўп учрайди. Айниқса, 40–59 ёшли гуруҳдаги беморлар энг кўп улушни ташкил этди (49,4%). Бу кўрсаткич халқаро маълумотлар билан уйғун бўлиб, Hornung ва ҳамкасблари (2023) ҳам ушбу патологиянинг асосий тоифаси меҳнат фаолиятидаги шахслар эканини таъкидлайди. Бизнинг тадқиқотда эркаклар улуши аёлларга нисбатан юқори бўлди (53,5%га нисбатан 46,5%), бу эса кўп ҳолларда оғир жисмоний меҳнат ва омилларнинг эркаклар организмига кўпроқ таъсир қилиши билан изоҳланади.

Клиник ва неврологик белгилари таҳлилида радикулопатиянинг юқори улуши (79,1%) қайд этилди. Бу ҳолат Kim ва ҳамкасблари (2018) таҳлиллари билан уйғун бўлиб, улар ҳам диск чурралари кўп ҳолларда радикулопатия ва сезувчанлик бузилишлари билан кечишини қайд этган. Беморларнинг қарийб ярмида (48,8%) мушак кучсизлиги кузатилиши, чурранинг асаб илдизларига босим бериши натижасида функционал бузилишлар катта аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Инструментал текширувлар орасида магнит-резонанс томография (МРТ) энг ишончли ва самарали усул сифатида ўзини кўрсатди. МРТ орқали барча ҳолларда чурранинг локализацияси ва асаб илдизларига таъсири аниқланди, энг кўп ҳолатлар L4–L5 ва L5–S1 сегментларига тўғри келди (81,9%). Бу кўрсаткичлар Zheng ва ҳамкасблари (2021) маълумотлари билан мос келади, улар ҳам асосий юк остидаги сегментларда чурралар кўп қайд этилишини таъкидлаган.

Шу билан бирга, рентгенологик текширувлар остеохондроз ва морфологик ўзгаришларни аниқлашда ёрдамчи аҳамият касб этди (51,2%). Компьютер томография (КТ) эса асосан фораминал стеноз ва суяк тузилишларини баҳолашда самарали бўлди. Аммо, уларнинг сезгирлиги МРТга нисбатан пастроқ эканлиги бир қатор илмий манбаларда ҳам қайд этилган (Zhang ва ҳамкасблари, 2023).

Эътиборли жиҳатлардан яна бири — чурранинг кейинги тақдири масаласи. Zhong ва ҳамкасблари (2017) мета-таҳлилларида чурранинг маълум қисмларда табиий резорбцияланиш ҳолатлари кўрсатилган бўлса, бизнинг тадқиқотда ҳам айрим беморларда консерватив даво фонидида симптомлар сезиларли даражада камайиши кузатилди. Бу эса шошилишч жарроҳликка эҳтиёж ҳар доим ҳам мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Хулоса

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, клиник ва неврологик белгилари ташхисда муҳим ўрин тутса-да, магнит-резонанс томография касалликнинг локализацияси ва асаб илдизларига таъсирини аниқ баҳолашда “олтин стандарт” ҳисобланади. Комплекс ёндашув — клиник кўрик, инструментал текширувлар ва замонавий технологияларни уйғун қўллаш — бел диск чуррасини аниқ ташхислаш ва самарали даволаш тактикаси танлашнинг энг мақбул усулидир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Hornung, A.L., et al., Prediction of lumbar disc herniation resorption in symptomatic patients: a prospective, multi-imaging and clinical phenotype study. // *Spine J*, 2023. 23(2): p. 247-260.
2. Zhang, A.S., et al., Lumbar Disc Herniation: Diagnosis and Management. // *Am J Med*, 2023;136(7):645-651.
3. Kim J.H., et al., Diagnostic accuracy of diagnostic imaging for lumbar disc herniation in adults with low back pain or sciatica is unknown; a systematic review. // *Chiropr Man Therap*, 2018;26:37.
4. Zheng K., Z. Wen, and D. Li, The Clinical Diagnostic Value of Lumbar Intervertebral Disc Herniation Based on MRI Images. 2021. 2021; 5594920 pp.
5. Zhong M., et al., Incidence of Spontaneous Resorption of Lumbar Disc Herniation: A Meta-Analysis. // *Pain Physician*, 2017;20(1):45-52.
6. Lee D.H., G.C. Claussen, and S. Oh, Clinical nerve conduction and needle electromyography studies. // *J Am Acad Orthop Surg*, 2004;12(4):276-87.
7. Han M., et al., Medical expert and machine learning analysis of lumbar disc herniation based on magnetic resonance imaging. // *Comput Methods Programs Biomed*, 2022;213:106498.
8. Wirries A., et al., Artificial intelligence facilitates decision-making in the treatment of lumbar disc herniations. // *Eur Spine J*, 2021;30(8):2176-2184.
9. Passavanti Z., et al., Differentiating epidural fibrosis from disc herniation on contrast-enhanced and unenhanced MRI in the postoperative lumbar spine. // *Skeletal Radiol*, 2020;49(11):1819-1827.

Қабул қилинган сана 20.08.2025